

Куч — адолатда



АДОЛАТ

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ИЖТИМОЙ-СИЁСII ВА ҲУҚУҚII ГАЗЕТАСИ

Газета 1995 йил
22 февралдан чиқа бошлаган

2004 йил
10 декабрь

№ 39-40
(483-484)

ГАЗЕТА ҲАФТАНИНГ
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
Сотувда
эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллигига

Бугунги кунда Тошкентдаги «Фармед» хусусий фирмасининг бош директори, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши котиби, Олий Мажлис депутати Дилором Тошмухамедова ҳақида гап кетганида, кўпчилик яратган эгамнинг ўзи тиниб-тинчимас бу аёлнинг омадини берган деб, мамнуният билан тўлиб-тошиб гапирди. Дарҳақиқат, шундай. Шу боис ҳам у жамиятимиздан, ҳаётимиздан муносиб ўрин топган. Меҳнат берган мартаба боис доимо эл эъзоида, юрт хизматида.

Дилором Тошмухамедова — тиббиёт фанлари номзоди, халқаро муносабатлар магистри, мамлакатимизнинг таниқли тadbиркор аёлларидан бири, тўрт фарзанднинг онаси, халқимизнинг куюнчақ қизи.

— Маълумки, собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистонда дори-дармонга бўлган эҳтиёж ташқаридан олиб келинадиган дори воситалари эвазига қондирилди, — дейди Дилором Тошмухамедова. — Шу боис ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатда аҳолининг ҳаётий зарур дори-дармонларга бўлган эҳтиёжини қондиришда маълум бир етишмовчиликлар бўлди.

Ҳолатни тўғри тахлил қилган Республика ҳукумати тармоқда шошилиш ислохотлар ўтказиш ва аҳоли эҳтиёжини қондиришнинг мақбул йўллари топишга киришди. Шундай пайтда дорихоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш фақат аҳолини эмас, даволаш муассасаларининг ҳам дори-дармон ҳамда тиббиёт буюртмаларига бўлган эҳтиёжини қондиришнинг тўғри йўли эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлади.

Ҳукумат қарорига асосан республикада биринчилардан бўлиб, давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилган дорихона бизнинг «Фармед-76» хусусий дорихонамиз ҳисобланади. 1994 йилда бу дорихона Ўзбекистоннинг яна 2800 дан ортиқ хусусийлаштирилган дорихоналарига ўқув базаси бўлиб хизмат қилди.

Айнан ана шу дорихона таркибиде «Фармед» хусусий фирмасига асос солинди. «Фармед» мамлакат фармацевтика бозорини дори воситалари билан тўлдириш механизмини ишлаб чиқди, ҳаётга тadbик этди, 1600 дан ортиқ дорихонани ҳаётий зарур, юқори сифатли дори-дармонлар билан таъминловчи йиллик тизимга айланди.

«Фармед» фирмаси 1997 йилнинг май ойида Хиндустоннинг машҳур «Доктор Реддис Лабораторис ЛТД» фармацевтик компанияси билан ҳамкорликда Низом фонди 500 минг АҚШ долларига тенг бўлган қўшма корхонасини ташкил этди.

Қўшма корхона 1999-2003 йилларда 1 миллион ўрамдан кўпроқ ҳаётий зарур дори воситалари, жумладан, «Ципролет-250», «Ципролет-500», «Ибуклин» ҳамда махсус педиатрия амалиётида қўлланиладиган «Ибуклин-юниор» таблеткалари ишлаб чиқарди.

2004 йилда фирма таркибиде таблетка шаклидаги дори-дармонлар ишлаб чиқарувчи фармацевтика заводи — «Pharmed firmasi» шўба корхонаси иш бошлади. Халқаро фармацевтика стандартлари талабларига жавоб берадиган тарзда алоҳида барпо этилган корхона энг замонавий техника воситалари билан жиҳозланган, йилга 20 миллион ўрам дори-дармонлар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди. Айни пайтда корхонада ишлаб чиқарилаётган дори-дармонларнинг сифати юксак, нархи арзон бўлишига жиддий эътибор берилмоқда.

муносиб эътироф этилди. «Фармед» фирмаси Париж, Нью-Йорк, Брюссел ва бошқа шаҳарлардаги йирик анжуманларда уч маротаба халқаро «Сифат юлдузи» нишони билан тақдирланди. «Минг йилликнинг энг яхши фирмаси» деган номга сазовор бўлди.

«Фармед» фирмасининг истиқболи порлоқ. Мақсадимиз — халқимизнинг ҳаётий зарур, сифатли дори-дармонга бўлган эҳтиёжини қондириш, саломатлигини тиклаш ишига ҳисса қўшишдан иборат...

Аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш Шарққа, айниқса, ўзбек халқига хос олийжаноб хусусиятларидан биридир. Табиат азиз аёлларимизга муносилик ва мушфиқликни, эзгулик ва нафосатни абадий фазилат қилиб берган. Ҳар бир инсон кўнглини мунаввар қилгувчи, наинки оилага, балки бутун жамиятга аҳиллик, тотувлик, меҳр-оқибат бағишлагувчи ҳам аёлдир.

Дилором Тошмухамедова бу ҳақда ҳамиша фахрур ифтихор билан сўзлайди. Аёлларимизнинг бугунги ҳаётимизда тутган ўрнидан тўлқинланади. Зиммасида-

барча жабҳаларидаги ислохотларга кенг жалб этишга қаратилган. Бу борадаги амалий ишларимиз, галдаги вазифаларимиз куйдагилардан иборат:

Биринчидан, аёлларни иқтисодий ислохотларга, хусусий ва кичик бизнесга, тadbиркорликнинг хизмат кўрсатиш соҳасига жалб этиш учун аёллар муаммоларини ўрганиш ва уларга барча шарт-шароитларни яратиш;

Иккинчидан, аёлларни жамоат ишларига, нодавлат жамоат ташкилотларига, маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятига кенг жалб этиш;

Учинчидан, уйда ўтирган аёллар учун уйда ишлаш имкониятларини яратиш;

Тўртинчидан, гендер тенгликни болалар тарбиясига сингдириш учун таълим соҳасида ислохотлар бўйича тақдирлар ишлаб чиқиш;

Бешинчидан, аёллар фаоллигини оширишдаги тўсиқларни тахлил қилиш ва бартараф этиш бўйича чоралар ишлаб чиқиш.

— Парламентда депутатлар профессионал тарзда қонун яратиш ишлари би-



Дилором ТОШМУХАМЕДОВА:
— Сизларга ҳамиша омонлик тилаймиз!

ХАЛҚИМИЗНИНГ КУЮНЧАК ҚИЗИ

тенг имкониятлар яратиш;

— Аҳолининг эҳтиёж-манд қисмига меҳр-муруват кўрсатиш;

— барча учун ижтимоий муҳофаза ва муносиб турмуш тарзини таъминлашдан иборат.

Ижтимоий муҳофаза — социал демократиянинг асосини ташкил этади. Ижтимоий муҳофазанинг бош мақсади — инсонни турмуш ва бозор қийинчиликларидан химоя қилишга йўналтирилган фаолият бўлиб, партиямиз бу тамойил ва ғояларни ҳаётга тadbик этишни бош мақсади деб билади. Биз шу ғояларни илгари суриб, иқтисодий эркинлик, хусусий мулк ва иқтисодий ташаббуслар Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётига катта ҳисса қўшади деб ҳисоблаймиз.

Партиямиз буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг «Куч — адолатдодир» деган ҳикматли сўзларини табаррук широб деб билиб, жамиятда Адолат мезонининг ҳар қан-

дай шаклда бузилишига қарши кураш олиб боради.

Қонун устуворлигига қатъий риоя этишни бош мақсад қилиб қўярсан, Қонун ижодкорлигида ҳар бир банд, ҳар бир тушунча аниқ, лўнда, мукамал ва раво бўлишига интилади. Партиямиз ишчи ва хизматчилар, деҳқон ва фермерлар, тadbиркор ва зиндилар, хуллас, жамиятдаги барча бунёдкор инсонларнинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечирилишига йўлда ҳамма зарур шарт-шароитларга эга бўлишлари учун курашади. «Инсон манфатлари — энг олий қадрият» деган бош шioriни илгари сурди.

Партиямизнинг Сайловолди дастурида бугун давлатимиз, Ўртобошимиз илгари сураётган ниҳоятда долзарб масала — аёлларни ижтимоий-сиёсий жараёнларга, давлат қурилишига фаол жалб этиш вазифасига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Аёлларнинг индивидуал — ижодий имкониятларини кенг намоён этиши, жамият ҳаётида фаол қатнашиши, маълум маънода, иқтисодий мустақилликка эришиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш бериш, аёллар иш-сиёлигини бартараф этиш лозим. Айни чоғда, аёлларнинг ўзидан ҳам, маҳалла, туман, шаҳар хотин-қизлар кўмиталаридан ҳам бу борада жиддий ёндашув, фаоллик ва ташаббус талаб этилади.

Табиyki, партия Сайловолди дастурида белгиланган бундай кенг қамровли мақсад, вазифалар-

ни «қандай ҳал этиш керак» деган савол туғилиши аниқ. Бунинг учун, энг аввало, малакали қонунчилик фаолиятини изчил олиб бориб, янги қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур. Иккинчидан, ижроия ҳокимиятга ўз вакилларимизни қиритиш орқали бу мақсад-вазифаларни бажаришда амалий ҳаракат олиб боришимиз мумкин...

Дилором Тошмухамедова адолат йўлида адолат билан иш олиб бораётган замонамизнинг илғор аёли. У ҳаётимизда кечаётган муҳим жараёнларга доимо синчковлик билан қарайди. Ўзининг ҳаётий бой тажрибаларидан қилиб чиқиб, ўз муносабатини билдиради.

Дилором Тошмухамедова Соҳибқирон Амир Темурнинг «Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифасидир. Ҳақиқат ва Адолат дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин» деган сўзларини ўз ҳаётининг бош мақсади деб билади. У Ўзбекистонда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни жаҳон андозалари даражасига кўтариш зарур деб ҳисоблайди. Ўртобошимиз томонидан 2005 йили «Сиҳат-саломатлик» йили деб эълон қилиниши эса бу борада кенг имконият уфқларини очмоқда, деб ҳисоблайди. Шу эзгу ният йўлида ҳаммиша интилишда.

Халқимизнинг куюнчақ қизи Дилором Тошмухамедованинг бундай хайрли орзу ниятлари албатта ижобат бўлишига тилақ-дошимиз.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
«Адолат» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЎН ИККИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн икки йиллиги муносабати билан инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан,

қарор қиламан:

1. Ўта оғир бўлмаган жиноятлар учун ҳукм қилинганлар жазодан озод қилинсин:

а) биринчи марта содир этган жинояти учун жазо ўтаётган аёллар;

б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;

в) мазкур Фармон кучга киргунга қадар 60 ёшга тўлган эркаклар;

г) жиноят содир қилгунга қадар доимий яшаш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган, озод этилгандан сўнг Ўзбекистон Республикасида бўлиш учун қонуний асослар бўлмаган биринчи марта судланган чет эл фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар, шунингдек биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар, жазодан озод қилинсин.

3. Макур Фармон кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган ёки биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар (жавобгарликини оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган шахслар (жавобгарликини оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

5. Экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибиде Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат ҳавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Ушбу Фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек биринчи марта содир этилган ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда қўрилмаган ишлар тугатилсин.

7. Макур Фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг ўталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатда озодликдан маҳрум қилинганларга — учдан бир қисмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатда озодликдан маҳрум қилинганларга — тўртдан бир қисмига.

8. Тadbик этилмасин:

а) макур Фармон — ўта хавфли рецидивистларга, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаятган маҳкумларга, шунингдек муқаддам афв этиш ёки амнистия татибиде жазодан озод этилган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга;

б) макур Фармоннинг 1-4, 6, 7-моддалари — экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибиде Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат ҳавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун ҳукм этилган шахсларга нисбатан.

9. Фармон эълон қилинган кундан кучга қиради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси
Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2004 йил, 1 декабрь

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Сайловолди дастури

Маълумки, ҳар бир сиёсий партия ўзининг Сайловолди дастурига эга. Ўзбекистон «Адолот» социал-демократик партияси ҳам ўзининг ҳар жиҳатдан пишиқ-пuxта ишланган шундай дастури билан бўлажак сайловларда муносиб ўрин олиш учун курашишга киришди. Дастурда ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олишга ҳаракат қилинган. Дастур билан танишинг! Унинг ғоялари ва қарашларини рўёбга чиқишида Сиз ҳам ўз ҳиссангизни қўшинг!..

Газетамизнинг 2-саҳифасида макур дастур эълон қилинмоқда.

Халқаро Сифат учун ўтказилган бир қатор кўриқларнинг «Олтин юлдуз» мукофотлари совриндори «ФАРМЕД»

хусусий фирмаси жамоаси Ўзбекистон Халқини, ўз ҳамкорларини ҳамда мижозларини Бош Қомусимизнинг 12 йиллик байрами билан чин дилдан табриклайди. Айём кунларда энг эзгу ниятларингиз амалга ошин, хонадонларингизда файзу барака аримасин, қалбларингиз қувончга тўлсин! Барчангизга тинчлик-тотувлик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, оилангизга қут-барака ва ишларингизда улкан омадлар тилаймиз!

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Сайловолди дастури

2004 йил 26 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутатлигига ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказиладиган сайловлар мамлакатимиз, халқимиз учун жуда катта аҳамиятга эга. Зеро, ушбу сайловларда сайланадиган депутатлар ишлаб чиққан қонунлар келгуси 5 йил давомида ҳаётимизга муҳим таъсир ўтказadi.

Айни чоғда, бу галги сайловлар оддий сайловлар эмас. У олдинги сайловлардан анча фарқ қилади. Биринчидан, сайловларда галаба қозонган партия ҳукумат тузишда катта таъсир ўтказиш имкониятига эга. Иккинчидан, бу галги сайловлар ижтимоий-иқтисодий ислохотлар чуқурлашган, "ўрта табақа" шаклланиши авж олган, партияларро рақобат қуяётган бир даврга тўғри келмоқда. Ва нихоят, учинчидан, 2004 йил сайловлари Парламент ислохотлари, хусусан, профессионал парламент тузилиши билан боғлиқ.

Шу билан бирга 2004 йил декабр сайловлари кейинги йилларда жамият ҳаётида айрим долзарб муаммолар пайдо бўлганлиги, уларни зудлик билан ечиш давр талабига айланганлиги билан ҳам характерланади.

Шубҳасиз, Мустақилликнинг 13 йилли мобайнида мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотлар амалга оширилди. Халқнинг ижтимоий турмуш даражаси ўсди. Иқтисодий ҳаётда изчил тараққиёт кузатишмоқда. Жумладан, кўплаб йирик корхоналар қурилиб, ишга туширилди.

Бироқ, бу жуда катта йўлнинг фақатгина бошланиши бўлиб, бу йўлни давом эттириш, қолаверса, бу йўлга гов бўлаётган тўсиқларни олиб ташлаш давримиз талабига айланди. Ақин йиллар ичида жамият олдида:

- мамлакатимиз қудратини янада мустаҳкамлаш;
- эркин бозор иқтисодида асосланган адолатли демократик давлат қуриш;
- фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришни нихоясига етказиш;
- халқнинг турмуш даражасини ошириш каби муҳим вазифалар турбиди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси бундай улуг ва ҳайрли вазифаларни бажариши, тўсиқларни бартараф этиб, муаммоларни ҳал қилишда ўзини бутун мамлакат, халқ, жамият олдида бурчли, масъул деб ҳис этади.

Ва ана шу масъуллик ҳисси билан бу вазифаларни ҳал этиш учун зарур имкониятларга эга бўлиш мақсадида бу йилги сайловларда фаол иштирок этишини маълум қилади.

Ўз сафарида 50 мингдан зиёд фуқарони бирлаштирган, мамлакатимиз бўйлаб 170 дан ортик шаҳар ва аҳоли турар жойларида 3120 дан ортик бошланғич ташкилотига эга "Адолат" СДП - Ўзбекистондаги йирик ва келахати порлоқ сиёсий куч ҳисобланади.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг бош мақсади - мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ислохотларнинг жадаллашувига, ҳуқуқий демократик, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш ва пировардида, Ўзбекистонни жаҳонда ривожланган мамлакатлар сафидан мустаҳкам ўрин олишдек эзгу ишга муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

"Адолат" социал-демократик партияси ўртаҳол ва эҳтиёжманд аҳоли табақаларига таянади, уларнинг сиёсий ва ижтимоий иродаларини намён этишга интилади. Аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий муҳофаза этишга қўмаклашадиган, ижтимоий адолат тамойилларига қатъий амал қилиб, уларнинг манфаатларини, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Партияимизнинг "Адолат" деб аталишидан мақсад ҳам шуки, у жамиятимизда адолат мезонининг ҳар қандай шаклда бўлишига қарши кураш олиб боради. Биз шунчаки демократик жамият эмас, ҳуқуқий демократик одил жамият қурмоқчимиз.

Адолат ва ҳақиқатга интилиш эса халқимиз табиати-нинг энг муҳим фазилатларидан биридир. "Куч - адолатда" деб бекор айтмаган эди улуг соҳибқирон бобоиш Амир Темур.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Ўзбекистонда вужудга келган илк социал - демократик партиядир.

Партиянинг гоёвий негизини ҳам социал - демократиянинг уч асосий тамойили ташкил этади. Булар сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий адолат тамойилларидир.

Сиёсий адолат тамойили демократик ҳуқуқ ва сиёсий эркинликлар, яъни виждон, сўз, матбуот эркинлигини ўз ичига олади. Ҳамма учун баробар сайлов ҳуқуқи, қонун олдида тенглик, унга итоаткорлик бу тамойилнинг ўзагидир.

Иқтисодий адолат тамойилини таъминлашда партия мулкчиликнинг барча шакллари, шу жумладан, давлат, жамоат, хусусий мулкчиликнинг ривожини тақозо этади.

Ижтимоий адолат тамойили жамият равнақи учун ҳалол меҳнат қилаётган ҳар бир фуқаро ўзини ва оиласини боқиб, билан олиши, тиббий хизматдан фойдаланиши, ўз қадр-қимматини ҳимоя қилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш ва ўтиш даври иқтисодий қийинчиликларида мушкул аҳволга тушиб қолган аҳоли қатламларини ижтимоий муҳофазалаш тадбирларини амалга оширишдан иборатдир.

"Адолат" социал-демократик партияси кейинги 5 йил ичида фуқаролик жамиятининг тўлақонли амал қилиши учун курашади.

Биз - аҳолининг кенг қатламларини қамраб олувчи умуммиллий партиямиз.

Мақсадимиз барча фуқароларнинг ижодий потенциални ва ижтимоий фаоллигини рўёбга чиқариш учун уларга тенг имкониятлар яратиб беришдан иборат.

Биз иқтисодий эркинлик, хусусий мулк ва иқтисодий ташаббуслар Ўзбекистон иқтисодий тараққиётига катта ҳисса қўлади, деб ҳисоблаймиз. Бунда албатта давлатнинг ҳўжалик фаолиятини тартибга солиб туриш ва даромадларни аҳолининг кам таъминланган қатламлари фойдасига қайта қўриб чиқиш каби муҳим функцияларни сақлаб қолиш тарафдоримиз.

Зеро, социал - демократия мафқурасининг асосий негизини ижтимоий муҳофаза ташкил этади.

Ижтимоий муҳофазанинг бош мақсади - инсонни турмуш ва бозор алғов-далғовларидан ҳимоя қилишдир.

Мафқураимиз негизда инсоний меҳр-оқибат марказий ўрин тутади.

Шу боис ҳам партиямиз бош шиори: Инсон манфаатлари - энг олий қадрият!

"Адолат" партияси социал - демократия мафқурасига таянади ва Ижтимоий адолат, Эркинлик, Бирдамлик гоёларини илгари суради.

"Адолат" СДП Ўзбекистон аҳолисининг миллати, тили, этникида асосида ўзаро қарама-қарши қўйилишини қатъий рад этади. Сиёсий ва диний экстремизм, унинг барча қўринишларини қатъий қоралайди ва унга қарши мафқуравий кураш олиб боради. Синфий айирмачилик, синфий кураш, шунингдек, қуролли қўзғолонлар гоёсини қатъян қад этади.

Жамиятни демократлаштириш, ижтимоий табақалар ва тоифалар ўртасидаги ҳамкорлик ҳамда ҳамжиҳатлиқни вужудга келтириб, халқимиз бирлигини, биродарлигини мустаҳкамлашга интилади. У сиёсий-иқтимоий муаммоларни тинчлик, келишув йўли билан ҳал этиш тарафдоридир.

Халқни ёлғон ваъдалар билан алдаш, популистик гоёлар билан чиқиш биз учун бутунлай ётдир. Ақсинча, биз бошқарув ва ислохотларнинг европалик социал-демократлар тажрибасини қўллаб, илгор технологияла-

рига ва ўз миллий менталитетимизга таянамиз.

Партия истиклолимизга раҳна солувчи иллатлар - миллатчилик, маҳаллийчилик, ғуруҳбозлик, боқимандалик, порахўрлик, коррупция каби жиноятларга юз тутганларни кескин ва аёвсиз фош қилади. Давлат, маъмурий органлар, жамоат ташкилотларининг бу иллатга қарши курашида қўмақдош бўлади. "Адолат" қонун доирасидан четда бўлган ғуруҳларнинг жамият устидан ҳукмронлик ўрнатишига йўл қўймайди.

Биз жамиятда хотин-қизлар камситилишининг ҳар қандай қўринишларига барҳам бериш учун курашамиз. Бу борада янги қонунларни қабул қилиш тарафдоримиз.

Ўтган 13 йилдаги ўзгаришлар ёшлар кадриятларига катта таъсир кўрсатди. "Адолат" СДП ёшларнинг ижодий потенциалини рўёбга чиқариш учун барча имкониятларни ишга солади. Бу борада "Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий тараққиётига қўмаклашиш тўғрисидаги" қонун лойиҳасини ишлаб чиққоқчимиз ва унда 2010 йилгача ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб бермоқчимиз.

Партиянинг олий бoш тамойили - олдинга қўйилган дастурий мақсадларни одамлар билан доимий мулоқотда, улар билан бирга амалга ошириб боришдир. Биз учун ижтимоий ҳамжиҳатлик - ислохотлар самарадорлигининг муҳим мезони ҳисобланади.

"Адолат" СДП Ўзбекистон ва унинг фуқаролари манфаатлари йўлида бошқа сиёсий партиялар билан ҳамкорлик қилишга тайёр.

Бундай улуг вазифаларни ҳал этишга ҳокимиятнинг жамият олдидаги масъулигини таъминловчи механизмлар тузилган тақдирдагина эришиш мумкин. "Жамият - партиялар - вакиллик органлари - ихроия ҳокимияти" формуласи ҳокимиятнинг жамият олдидаги масъулигини ҳамда ижтимоий манфаатлар устуворлигини таъминлайди. Ҳокимият халқ олдида масъул бўлмас экан, унинг фаолиятида шаффофлик ва ошқоралик тўлиқ йўлга қўйилмас экан, ҳақиқий демократия тўғрисида асло гапириб бўлмайди.

Сайловолди дастуриимизни амалга оширишнинг бош қуроли - бу ҳаётий зарур, аниқ, лўнда ва пухта қонунлар ишлаб чиқиш, шу билан бирга илгари қабул қилинган қонунларга давр талаблари асосида муҳим қўшимча ва ўзгартришлар киритиш ва улар ижросини мунтазам қатъий назорат қилишдир.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг асосий дастурий вазифалари ва устувор йўналишлари

Сиёсий соҳадаги вазифалар:

- Мамлакатимиз истиклоли, суверенитетини мустаҳкамлаш, демократик принциплари ривожлантиришга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунчиликни янада ривожлантириш;
- Қонун устиворлигига эришиш, хусусан, ҳокимият органлари томонидан қонунни оёқ ости қилиш ва ҳуқуқий нигилизм ҳолатларига барҳам бериш;
- Қонуннинг самарали ижросини, қонуности ҳужжатларининг (меъёрий ҳужжатларининг) қонунга мувофиқлигини таъминлаш ва ушбу ҳужжатларни ҳаётга жорий қилишда давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини қучайтириш;
- Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида кўпчилик депутатлик ўринларига эга бўлиш ва шу йўл орқали ҳуқумат тузилишига эришиш;
- Жамиятнинг, давлатни янада демократлаштириш, аҳолининг, шу жумладан ёшларнинг, хотин-қизларларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, жамиятда фикрлар хилма-хиллиги, сўз эркинлигини мустаҳкам ўрин олиши учун курашиш;
- Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар тизимини янада такомиллаштириш;
- Миллий истиклол мафқурасини ривожлантириш, ёшларни Ватанга, истиклол гоёларига садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакатимиздаги барқарорлик, тинчлик, миллий тотувликни кўз қорамчидек асраш;
- Диний экстремизм ва ақидабастарлик гоёларига қарши мунтазам курашиш йўлида амалий тақлифлар билан ташаббускорлик қилиш;
- Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, "Маҳалла" институтларини янада ривожлантириш.

Давлат қурилиши ва бошқариш соҳасидаги вазифалар:

- Демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун шарт-шароитларни кенгайтириш, фуқаролар ва жамиятнинг сиёсий, ижтимоий салоҳиятини рўёбга чиқариш, тадбиркорлик ва иқтисодий ташаббуслар эркинлиги учун зарур имкониятларни ташкил этиб бериш;
- Давлат ҳокимияти ва бошқарув тизимларида бюрократиянинг ҳар қандай қўринишлари, тақаббурлик, лоқайдликка қарши фаол курашиш;
- Коррупциянинг барча қўринишлари билан кескин курашиш, унинг илдизини ташкил этадиган ҳолат ва шарт-шароитларни тўғатиш, давлат бошқарувида фақат қонунга бўйсунуш принципини қарор топтириш, хизмат мавқеини системол қилиш, хизмат мавқеи билан боғлиқ жиноятлар учун кескин жазо чораларини ишлаб чиқиш ва қўллаш;
- Давлат хизматчиларининг бурч ва масъулияти, ваколат доираси, ҳар қандай имтиёзлари аниқ кўрсатиб берилган қонунни тайёрлаш ва қабул қилинишига, давлат бошқаруви устидан жамоатчилик назорати бўлишига эришиш;
- Иқтисодиётнинг ҳўжалик, тижорат ва тадбиркорлик йўналишларига давлат аралашувини кескин қисқартириш, иқтисодий тартибга солиш ва назорат даражасини пасайтириш, иқтисодиётда монополияга барҳам бериш.
- Давлатнинг молиявий механизмлари шаффофлигини, ҳокимиятнинг барча тармоқлари ўзаро мувофиқлигини, ҳукумат фаолияти бўйича тўлиқ маълумот олиш имкониятини, матбуот, оммавий ахборот воситалари ва сўз эркинлигини таъминлаш.

Иқтисодий соҳадаги вазифалар:

- Бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва эркинлаштириш жараёнини жадаллаштириш, иқтисодиётнинг барча тармоқларида юксалишга эришиш;
- Халқимиз турмуш даражасини юксалтириш, ҳар бир фуқаромизга муносиб ҳаёт кечиршини таъминлаш;
- Иқтисодий қонуничиликни барқарорлаштириш ва тадбиркорликнинг деярли барча босқичларида мавжуд маъмурий-бошқарув тўсиқ ва говларини бартараф этиш;

- Кичик ва хусусий бизнес ривожини кескин қўллаб-қувватлаш ва бунн иқтисодий стратегиянинг устувор йўналиши деб билиш ҳамда ҳимоялаш, шу асосда аҳолининг ижтимоий бандлигини ва фаровонлигини таъминлаш. Тадбиркорликни ривожлантиришда ҳалол бизнес тамойилларини жорий этиш;

- Стратегик режалаштириш тизимини бунёд этиш. Шу асосда узок муддатга мўлжалланган стратегик муаммоларни ечиш сари давлатнинг қудналик фаолиятини ташкил этиш; Энг долзарб стратегик муаммо - ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларининг сафдан чиқиши окибатларини бартараф этиш;

- Инновацион иқтисодиётни ривожлантириш, янги технологиялар базасини яратиш, замонавий бизнес инфратузилмаларини ташкил этишда фаол иштирок этиш;

- Адолатли солиқ сиёсати амалга оширилишига, тўланган солиқлар даромаднинг қўлайлишига олиб келишига эришиш, солиқ тизимини янада такомиллаштириш;
- Иш ҳақи ва нафақаларни белгилаш тизимида индексациялашни киритишни таъминлаш;

- Молия-бюджет тизимидаги интизомни қучайтириш. Бюджет маблағларидан қўзланган мақсадли тўловлар; ишчи-хизматчиларнинг маошлари, ўқувчи-ёшлар стипендиялари ва пенсионерларнинг пенсияларини ўз вақтида берилиши устидан назоратни қучайтириш, бу борада керакли меъёрий ва ҳуқуқий асосларни яратиш;

- Ўрта синф деб айтиладиган ижтимоий қатлам тимсолида, моҳият-эътиборига кўра, мамлакатимизда нафақат иқтисодий, балки, сиёсий барқарорликни таъминлаш, юртимизнинг тараққиёти ва гуллаб-яшнаши йўлида асосий таянч бўладиган янги мулкдорлар синфини шакллантириш ва мулк эгаларининг дахлсизлигини таъминлаш;

- Маҳаллий саноатни, ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, илгор технологияларни тadbқиқ этиш, хусусий ва кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш учун мавжуд ҳуқуқий шарт-шароитларни янада мустаҳкамлаш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга керакли преференциялар ва имтиёзлар жорий қилиш;

- Экологик барқарор иқтисодиёт асосларини яратиш, унинг ҳуқуқий нормалари сўзсиз бажарилишига эришиш, атроф-муҳитга зарарли таъсири бўлган ишлаб чиқариш корхоналари устидан назорат ўрнатиш ва янги, экологик тоза технологияларни ва хавфсиз хом-ашёларни қўллашни тadbқиқ этиш;

- Аҳолини иш билан банд этиш, янги иш ўринлари яратиш, ишсизликка қарши курашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, маҳаллаларда иш жойларини яратиш концепциясини тadbқиқ этиш.

Кишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги вазифалар:

"Адолат" СДП кишлоқда түб ислохотларга ўтказиш тарафдоридир.

Партия ер эгаси бўлган деҳқонларга таянади ва уларнинг эркин, мустақил ишлаши учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш тарафдоридир.

Партия бу борада қуйидаги вазифаларни устувор деб билади:

- Ер ислохотларининг амалга оширилишини нихоясига етказиш ва ерни ҳақиқий эгасига бериш;
- Кишлоқ ҳўжалиги инфраструктурасини янада ривожлантириш, кишлоқ ҳўжалиги тайёр маҳсулотни экспортни кенгайтириш ва бор имкониятларни ишга солиш, деҳқонларда ерга нисбатан эгалик ҳиссини янада ривожлантириш;
- Кишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларнинг эркинлиги, ҳуқуқий мустақиллигини таъминлаш.
- Фермерларнинг ҳақ-ҳуқуқларини қонуний ҳимоя қилиш ва улар учун қулай шaroитлар яратиш йўлидан бориш;
- Кишлоқ жойларда, айниқса, аҳоли зич жойлашган ҳудудларда ишсизликка барҳам бериш мақсадида саноат, қурилиш, маиший хизмат турларини, кенг қамровли қайта ишлаш шахобчаларини ташкил этиш, қўшма корхоналар бунёд этиш, ҳунармандчиликни босқичма-босқич ривожлантириш, шу мақсад йўлида кишлоқ жойларда турли ўқув даргоҳларини очиш;
- Кишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини янада яхшилаш, янги-янги маданий муассасалар, томошагоҳлар, чойхоналар, маҳалла гузарлари, мактаб ва йўллар қуришни устувор йўналиш деб билиш.

Ижтимоий соҳадаги вазифалар:

- Мамлакатимизда бозор муносабатларига асосланган ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётни янада ривожлантириш, қариялар, ногиронлар, афғон ва бошқа уруш фахрийлари, ўқувчи ёшларнинг ижтимоий муҳофазасини янада қучайтириш, ижтимоий адолатни қарор топтириш;
- Аҳолининг кам таъминланган, ночор, эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш юзасидан амалий чора-тадбирлар қўллаш ва бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш;
- Меҳнатга ҳақ тўлаш билан фуқароларнинг яшаш минимуми харажатлари ўртасидаги тафовутларни кескин қисқартиришга, энг кам иш ҳақи, пенсия ва энг зарур "рузгор тўраси"нинг ўзаро мутаносиблигига эришиш ва минимал иш ҳақини бозордаги нарх-навога мутаносиб равишда ошириш;
- Фуқароларга янги иш ўринларини яратиш орқали, уларнинг иш билан барқарор таъминланишига эришиш, аёллар ва ёшларнинг ишсизликдан ҳимоя қилишининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш; ёшларнинг замонавий таълим олиш, касб-хунар эгаллаш, уй-жойга эга бўлиш имкониятларини кенгайтириш, ишсизликни камайтириш ва қашшоқликни бутунлай бартараф этиш учун курашиш;
- Меҳнат қонунчилигига ижтимоий кам таъминланган аҳоли фойдасини қўзловчи бир қатор муҳим қўшимча ва ўзгартришлар киритиш;
- Касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунчиликни мукаммаллаштириш, касаба уюшмаларининг жамиятдаги мавқеини юксалтириш;
- Аниқ йўналтирилган ижтимоий муҳофаза дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- Ижтимоий ёрдам кўрсатиш механизмларини ортқича бюрократиядан, адолатсизликдан ҳалос этиш ва соддалаштириш;
- Аҳолининг асосий қисми учун сифатли ва бепул даволаниш қафолатларини таъминлаб бериш; Иш бевручли томонидан ишчи-хизматчиларга тиббий сугурта қафолатлари жорий этилишига эришиш;
- Соғлиқни сақлаш тизимида юқори даражадаги тиббий хизматни қафолатловчи қонунлар туркумини яратиш; тиббий сугурталаш тизимига ўтишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш; ташкилот ва корхоналар томонидан ҳодимларини эркин тиббий сугурталаш механизмсини тadbқиқ қилиш ва керакли имкониятлар яратиш;

- Оила, оналик ва болаликни давлат муҳофазасида бўлишини таъминлаш; қашшоқлик ва болалар қаровсизлигини бартараф этиш;

- Жамиятда ҳаддан ташқари бойлар ва ўта қашшоқлар каби қарама-қарши икки қутб пайдо бўлишининг олдини олиш, жаҳоннинг илгор мамлакатларидаги каби ўртаҳол аҳоли - табаканинг аксариятни ташкил этишига эришиш;

- Касб-хунар коллежлари ва академик лицей ўқувчиларини нарх-навога пропорционал дахлсизлигини кўз қорачигидек асраш;


- Таълим, илм-фан, тиббиёт соҳаси ҳодимлари ҳамда зиёиларнинг ижтимоий нуфузи, статусини ошириш юзасидан қатъий чора-тадбирлар, ишлар олиб бориш.

Суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги вазифалар:

- Мамлакатдаги ҳуқуқ-тартиботни, осойишталик, фуқаролар тинчлиги, ҳақ-ҳуқуқлари дахлсизлигини кўз қорачигидек асраш;
- Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларни танқидий-таҳлилий баҳолаб, уларни янада чуқурлаштиришни ва қатъият билан олиб боришни талаб этиш;
- Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, уларнинг фаолиятини эркинлаштириш, судларнинг мустақиллигини амалда таъминлаш, суд жараёнида очиклик, ошқоралик, муСОбақа тамойилларига қатъий амал қилинишини назорат этиш, инсон ҳуқуқларининг бузилишига нисбатан қатъий жавобгарликни талаб қилиш;
- Судларнинг иқтисослашувчи ишларни кўриб чиқиш сифатини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш қафолатини қучайтириш;
- Прокуратура идоралари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқларини камситиши ҳолларига йўл қўймаслик мақсадида бошқарув ва назорат органларининг ҳуқуқий ҳужжатлари қанчалар қонунийлиги назоратини ташкил этиш;
- Куч тизимлари (милиция, прокуратура, хавфсизлик хизмати, армия ва ҳавоқоз) устидан жамоат назоратини кескин қучайтириш, бунинг учун зарур ҳуқуқий меъёр ва қоидаларни тadbқиқ этиш;
- Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини, қонунларни яхши билишларига эришиш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича самарали ишлар олиб бориш;
- Суд-ҳуқуқ соҳасини янада такомиллаштириш, Оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик фикрига, фуқароларнинг ҳуқуқий онига таъсир ўтказишини ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришдаги ўрнини ошириш;
- Қонунлар ижроси назорат қилинаётганда устувор вазифаларидан бири адолат принципи бўлишини таъминлаш.

Илм-фан, маориф, маънавият ва маданият соҳасидаги вазифалар:

- Ўзбекистон илм-фанини ўтиш даври қийинчиликларидан ҳимоялаш. Фундаментал фанлар тараққиётига етарли эътибор қаратиш ва қўллаб-қувватлаш. Давлатнинг илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият соҳаларига бўлган доимий эътибори, кучли мададини мунтазам қўллаб-қувватлаш. Илм-фан ва таълимга бугун жалб этиладиган инвестициялар яқин келажақда иқтисодиётдаги кескин юксалиш, энг янги технологияларни яратиш, илм-фан, таълим бўйича хизматларни экспорт қилишга олиб келишини алоҳида таъкидлаш. Бу борада тегишли қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;
- Ўзбек халқининг миллий анъаналари ва диний қадриятларини асраб-авайлаш ҳамда, ривожлантириш; эзгу анъаналарни эскилик сарқитларидан холи асраш. Ўзбек урф-одатлари, маданиятини дунё миёёсида кенг тарғиб этиш;
- Жамиятда маънавият ва ахлоқнинг устувор бўлишига эришиш; меҳр-оқибат туйғуларини ривожлантириш, халқнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш



Ўзбекистон «Адолат» СДП чинакам халқ иши, Ватан равнақиға бел боғлаган сиёсий кучдир! Партия номзодлари билан танишинг ва уларга овоз беринг!

ЖАМИЯТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Махбуба ҲАМИДОВА
(3 — Темирйўл сайлов округи)

Махбуба Алимжоновна Ҳамидова 1959 йилда Наманган вилоятида хизматчи оиласида туғилган. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси аъзоси. Олий маълумоти мутахассис. Иختисослиги — ҳуқуқшунос. Тошкент Давлат университети (ЎЗМУ)ни тугатган. Меҳнат фаолиятини 1977 йилда Наманган вилоятининг Янгиқўрғон тумани прокуратурасида курьер-котиб лавозимидан бошлаган. 1978-1981 йилларда Тошкент кишлоқ хўжалиги машина-созлиги заводининг 15-цехида йўнвучи павандовчи, 1981-1991 йилларда эса, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман халқ судида суд мажлиси котиби, 1991-1993 йилларда Тошкент Давлат юридик институтининг аспирантура бўлими инспектори, 1993-1998 йилларда институт илмий кенгаши котиби бўлиб ишлади. 1998 йилдан то ҳозирга қадар Тошкент Давлат юридик институтида катта ўқитувчи си-

фатида талабаларга дарс бериб келмоқда. Махбуба Ҳамидова доимо қилаётган ишидан қониқмайдиган, янги-янги марраларни эгаллаш учун курашадиган изланувчан, фидойи инсон. У педагогик фаолиятини илмий иш билан қўшиб олиб бориб, 2000 йил март ойида «Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқи ва эркинликлари кафолатлари» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. Бундан ташқари иккита дарсликка ҳаммуаллифлик қилган. Ҳуқуқшуносликка оид 3 та ўқув қўлланмаси ва 30 дан зиёд илмий мақолалар муаллифидир. Айни пайтда «Ўзбекистон Республикасида ювенал юстициянинг шаклланиши ва ривожланиши» мавзусидаги докторлик диссертацияси устида илмий изланишлар олиб бормоқда. Оилали. 3 нафар фарзатнинг меҳрибон онаси. — Миллий истиклол туфайли Ўзбекистонда чинакам ҳуқуқий уйғониш даври бошланди, — дейди у. — Эндilikда мустақил мамлакатимиз олдида ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жа-

миятини барпо этишдек эзгу мақсад турибди. Зеро, Президентимиз Ислам Каримов «Озод ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз» асарига таъкидлаганларидек: «Бизнинг бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантиришдан иборат. Махбуба Ҳамидова ушбу тамойилларга амал қилган ҳолда ўзининг сайловолди дастурида мамлакатимиз истиклоли, суверенитетини мустаҳкамлаш, демократик принципларни янада ривожлантириш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қартилган қонунчиликни янада ривожлантириш йўлида хормай-толмай хизмат қилишни ўз олдиға мақсад қилиб қўйган. У ана шу эзгу мақсад йўлида тинмай изланяпти. Талабаларға ҳуқуқшуносликдан чуқур билим бериш билан бирға ўзига ёрдам сўраб мурожа-



ат қилган фуқароларға ҳақ-ҳуқуқларини тушунтиради. Зарур бўлса амалий ёрдам беради. Ҳа, Махбуба Ҳамидова нафақат олима, ўқитувчи, ташкилотчи балки инсон ҳуқуқларининг ҳимоячиси сифатида ҳам кўпчилик ўртасида катта ҳурмат-эътибор қозонган. Шунинг учун ҳам уни илмий жамоатчилик вакиллари ҳам, ҳуқуқшунос касбдошлари ҳам, талабалар ҳам бирдай эъзозлашади. Энг асосийси ундан ҳуқуқий кўмак олмаган оддий одамлар Махбуба Ҳамидовадек инсон ҳуқуқлари ҳимоячисиға овоз берсак асло адашмаймиз.

АЖОЙИБ ИНСОН ВА РАҲБАР

Равшан ҲАЙДАРОВ
(71 — Ангрэн сайлов округи)

Равшан Расулович Ҳайдаров 1947 йил 20 апрелда Тошкент шаҳрида ҳарбий хизматчи оиласида туғилган. Равшан Ҳайдаров 1970 йилда Тошкент Политехника институтининг инженерлик — физика факультетини таълимланган сўнг, ўз меҳнат фаолиятини Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Кибернетика институтига катта техник лавозимидан бошлади. 1970-1990 йиллар мобайнида у «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида фаолият кўрсатиб, кичик илмий ходим, катта илмий ходим, бирлашманинг автоматлаштирилган бошқарув тизимлари махсус лойиҳа конструкторлик бюросида сектор мудир, бўлим мудир, сўнгра бирлашманинг «Алгоритм» илмий-тадқиқот институтида бўлим бошлиғи, лаборатория бошлиғи ла-

возимларида тадқиқотлар олиб борди. Равшан Ҳайдаров бу даврда икки ташкилот учун автоматлаштирилган бошқарув тизими лойиҳаларини, уч мавзудаги мудофаа тавсифидаги автоматлаштирилган ахборот тизимлари лойиҳаларини ишлаб чиқишға ва жорий этишға раҳбарлик қилди, 20 дан ортиқ илмий мақола ва рисоаларни chop эттирди. «Техник кибернетика ва ахборот назариси» мутахассислиги бўйича аспирантуранинг тугатди ва техника фанлари номзоди илмий даражасини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1990 йилдан 1995 йилгача Равшан Ҳайдаров Тошкент Техника Университетини «Робототехник тизимлар» кафедраси катта ўқитувчиси ва доценти лавозимларида, 1995 йилдан 2004 йилнинг августига қадар Тошкент Давлат Авиация институтининг «Менежмент» кафедраси доценти лавозимида фаолият кўрсатди.

Ҳозирда 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти «Тиббиётда маркетинг ва менежмент» кафедраси доценти лавозимида ишлаб келмоқда. Илмий — педагогик фаолият билан бирға Равшан Ҳайдаров кенг кўламда жамоат иши билан шуғилланиб келмоқда. У 1995 йилда «Адолат» социал-демократик партияси сафларига қирғандан сўнг, партия Сиёсий Кенгаши Мафкура бўлимининг мудирини таъинланди. 1997 йилда партия Сиёсий Кенгашининг навбатдаги Пленумида Равшан Ҳайдаров «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг котиби этиб сайланган. 1999 ва 2004 йилларда бўлиб ўтган партиянинг иккинчи ва учинчи Курултойларида бу лавозимға қайта сайланган. Равшан Ҳайдаровнинг «Адолат» СДП сафларини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашда, унинг мафкуравий асосларини шакллантиришдаги роли ниҳоятда каттадир. Унинг бевосита иштиро-



кида ишлаб чиқилган партиянинг Сайловолди дастурида фуқароларнинг даромадларини ижтимоий даражада оширишға эриши, эҳтиёжманд аҳоли қатламларини ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, ишсизликни камайтириш юзасидан чора-тадбирларни амалға ошириш каби масалалар ўрин олган. Равшан Ҳайдаров ўзининг меҳнатсеварлиги, самимийлиги, билимдонлиги ва фаоллиги билан партиядошлар, ўқитувчи ва талабалар орасида катта ҳурмат-эътиборға сазовор бўлган ажойиб инсон. у ўз олдиға катта мақсадларни қўйган ва албатта уларни юзаға чиқаришға муваффақ бўлади.

ИҚТИСОДИЁТ ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

Фарида АҲМЕДОВА
(5 — Қўйлик сайлов округи)

Фарида Аловутдиновна Аҳмедова 1951 йилда Қашқадарь вилоятининг Қарши шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Ўзбекистон Республикаси «Адолат» социал-демократик партияси аъзоси. Маълумоти олий. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини тугатган. Иختисослиги — иқтисодчи муҳандис. Иқтисод фанлари номзоди. Меҳнат фаолиятини 1973 йилда Енгил саноат вазирлигининг Марказий лойиҳа-конструкторлик ва технология бюросининг нарх-наво бўлимида иқтисодчи муҳандис лавозимидан бошлаган. 1974-1992 йилларда Давлат нарх-наво кўмитасининг Халқ истеъмоли моллари нархлари бошқармасида катта иқтисодчи ҳамда бошқарма бошлиғи лавозимларида ишлаган. У 1993-1995 йилларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида Монополияға қарши ва Нарх

сиёсати Бош бошқармаларида, 1995-2000 йилларда эса аввал Давлат солиқ қўмитасида, сўнг Давлат Божхона қўмитасида тарифларни мувофиқлаштириш масалалари бўйича масъул лавозимларда самарали фаолият кўрсатган. 2002 йилдан буён Фарида Аҳмедова меҳнатликка иختисослашган «Файз» Холдинг компаниясида иқтисодий таҳлил, режалаштириш ва қимматли қоғозлар бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келаяпти. Меҳнат фаолияти давомида Фарида Аловутдиновна ўзининг ишчанлиги, изланувчанлиги, юксак самара берадиган янгиликларни тез илғаб олиш ва уларни ишлаб чиқаришға жорий этиш борасида катта тажриба орттирди. Республикаимиздаги кўзга кўринган малакали иқтисодчилардан бириға айланди. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда «Файз» Холдинг компанияси иқтисодий жиҳатдан юксалди. Ишлаб чиқараётган бири-

биридан гўзал, сифатли маҳсулотлари билан жаҳон мебель саноатининг етакчи корхоналари билан бемалол беллаша оладиган йирик корхонаға айланди. Бунда албатта тажрибали ва билимдон иқтисодчи Фарида Аҳмедованинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Фарида Аловутдиновна иқтисод фанлари номзоди. У Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий ва интеграция алоқаларини давлат томонидан тартибга солишни масалалари бўйича илмий, услубий асарлари асосида кўплаб назарий ва амалий тақлифлар киритган. Шунингдек унинг давлатлараро иқтисодий алоқаларни чуқурлаштиришда халқаро қондалар ва меъёрлар даражасидаги долзарб усуллари кўллаш борасида ҳам бир қанча қимматли тақлифлари бор. Маълумки ҳозир мамлакат иқтисодиётининг кескин кўтариш, Ўзбекистонни асосан хом ашё етиштирувчи мамлакатдан ҳар томонлама ривожланган



давлатлар қаторидан ўрин олиши масаласи долзарб бўлиб турибди. Фарида Аҳмедова ўз дастурида белгилла олганидек бунинг учун аввало, юртимизда илм-фанни ривожлантириш, оқибатда ўзимизда ҳам чет элларда яратилганидан қолшимайдиган техника ва технологияларни ишлаб чиқаришни ҳар томонлама рағбатлантирадиган қонунлар яратиш зарур. Шунинг учун ҳам Фарида Аҳмедоваға шу йил декабрь ойи охирида бўладиган парламент сайловида овоз берган киши Ўзбекистон яқин келажакда индустриал жиҳатдан юксак даражада тараққий этган мамлакатға айланишиға умид қилса бўлади.

СОҒЛОМ ЭЛНИНГ КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ

Мирзарахим АЛИМОВ
(10 — Астрабод сайлов округи)

Мирзарахим Мирзамуртович Алимов 1956 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1980 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтини тугатган. Маълумоти бўйича мутахассислиги — врач. Меҳнат фаолиятини 1980 йилда Медицина фанлари академиясиға қарашли Бутуниттифқо Хирургия илмий Маркази Тошкент филиалида (ҳозирги В.Вохидов номи иختисослашган хирургия Марказида) бошлаган. 1981-1983 йилларда Тошкент шаҳар шойинчи тиббий ёрдам кўрсатиш клиникасида хирург вазифасида ишлаган. Ана шу даврлар Мирзарахим Алимов учун ўқиш, изланиш, тажриба тўплаш даври бўлди. Одамларнинг соғлом яшаш жамияти учун нақадар зарур ва фойдали эканлигини дилдан ҳис қилди. Беморларнинг дардига шифо топиш, даволашнинг илгор, самарали усулларини қўллаш бўйича илмий изланиш зарурлигини ҳис этди. Шу туфайли ҳам кўнглиға тугиб қўйган режаларини амалға ошириш мақсадида 1983 йили В.Вохидов номидаги иختисослашган хирургия Марказига кичик илмий ходим бўлиб ишға ўтди. Амалиёт билан назарияни қўшиб олиб борган ёш фан фидоиси бирин-кетин ўз тадқиқотлари самаралари баён этилган илмий мақолаларни эълон қила бошлади. Кейинчалик Мирзарахим Алимовнинг истеъдодини сезган устозларини уни катта илмий ходимликка ўтказишди. Мирзарахим Алимов хирургия Марказида ишлаган ўн беш йил мобайнида 5 та ихтиро яратиб, 100 дан зиёд илмий мақолаларнинг муаллифи бўлди. 1992 йили номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Истеъдодли олим, малакали мутахассис бўлган Мирзарахим Алимов 1998 йилдан бошлаб шу пайтгача илмий ишлаб чиқариш асосланган «Сорб-Тех» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти бош директорининг муовини вазифасида ишлаб келаяпти. У 2004 йилда Юнусобод

туман «Адолат» социал-демократик партияси иккинчи котиби этиб сайланган. Мирзарахим Алимов соғлом элнинг келажаги порлоқ деб ҳисоблайди. Шу туфайли ҳам унинг сайловолди дастуридан соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, яъни аҳолининг асосий қисми учун сифатли ва бепул даволаниш кафолатларини таъминлаб бериш, иш бевучи томонидан ишчи-хизматчиларға тиббий суғурта кафолатларини жорий этилишиға эришиш каби эзгу мақсадлар ўрин олган. — Мустақиллигимизни қўлга киритганимизға эндигина ўн тўрт йил бўляпти, — дейди Мирзарахим Алимов. Аммо бу тарих учун жуда қисқа давр. Шу даврда Ўзбекистонда катта бунёдкорлик ишлари амалға оширилди. Аммо ҳали барча жабҳаларда, айниса соғлиқни сақлаш борасида тўб ўзгаришлар қилиш лозим. Бунинг учун ҳар томонлама мукамал бўлган қонунлар ишлаб чиқиш ниҳоятда зарур. Агар мен Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси

депутатлигиға сайланадиган бўлсам, соғлиқни сақлаш тизимида юқори даражадаги тиббий хизматни кафолатловчи қонунлар туркуминини яратиш йўлида эзгу ишға бор кучим, маҳоратим, билимим ва тажрибамни аямайман. Дарҳақиқат Мирзарахим Алимов сўзи билан иш бир фидойи инсон. У хизмат қилаётган «Сорб-Тех» ёпиқ акциядорлик жамияти ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ўсимликдан олинмаган медицина препаратлари ва атроф муҳитнинг мусавваланлигини асрашға йўналтирилган сорбцион филтлар бўлиб, уларни жаҳон андозалари даражасида тайёрланишиға бошлиқ муовини малакали мутахассис сифатида катта ҳисса қўшиб келаяпти.



ЁШ БЎЛСА ҲАМ МАҲАЛЛАГА БОШ

Мухитдин ЗАЙНИТДИНОВ
(8 — Хадра сайлов округи)

Мухитдин Зухриддинович Зайнитдинов 1958 йилда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси аъзоси. «Адолат» социал-демократик партияси Шайхонтоҳур тумани Кенгашининг биринчи котиби. Олий маълумоти. Тошкент Политехника институтининг самолётсозлик факультетини 1981 йилда тугатган. Иختисоси курилиш муҳандиси. Меҳнат фаолиятини 1982 йилда В.П.Чкалов номи Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб чиқариш устаси вазифасидан бошлаган, заводда катта уста, участка бошлиғи вазифаларида ишлаган. 1993 йилдан «Осиё» техника уйи ассоциациясида бош директор ўринбосари вазифасида ишлаган. 2002

йили «Сирғали ТБЖ» ҳиссасдорлик жамиятида ташқи бошқарувчи лавозимиде ўз фаолиятини давом эттирган. 2003 йилда Ўзбекистон Истеъмоличлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерациясининг Шайхонтоҳур тумани раисининг муовини лавозимиде фаолият кўрсатган. Ҳозирги пайтда Тошкент шаҳарининг «Эски шаҳар» маҳалласи фуқаролар йиғини оқсоқоли лавозимиде фаолият кўрсатиб келмоқда. Мухитдин Зайнитдинов раҳбарлик қилаётган маҳалла пойтахтимиздаги намунали маҳаллалар қаторига қиради. «Меҳр ва мурувват» йиллида маҳалла томонидан кам таъминланган оилаларға 150 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Маҳалла ҳудудида ёшларнинг шуғулланиш учун унта спорт мажмуаси ташкил этилди. Ҳозир бу жойда ёшлар ўзлари севган, кўнгли қўйган спорт турлари билан

шуғулланишиб жисмоний жиҳатдан чинқишмоқда. Дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишяпти. Ўзи ёш бўлса ҳам маҳаллага бош бўлган оқсоқолнинг шарофати билан амалға оширилган бу ишдан кўпчилик беҳад мамнун бўлди. — Маҳалла Ватан ичра кичик бир ватандир, — дейди Мухитдин Зайнитдинов биз билан суҳбатда. — Биз уни қанчалик эъзозласак барибир оз. Ҳамма яхши нарсалар маҳаллада жамул-жам бўлади, қарор топади. Ундаги аҳиллик, ҳамжиҳатлик кўпчиликин хаяжонға солади. Шунинг учун ҳам маҳаллани ҳамжиҳатлик кўргони деб бежиз айтишмайди. Аҳиллик бор жойда эса кут барака бўлади. Эл обод бўлиб гуллаб яшнайверади. — Бой ҳаётий тажрибаға эга бўлган Мухитдин Зайнитдинов ўзининг яхши фазилатлари билан кўпчи-



ликка ўрнак бўлмоқда. Туман партия ташкилотининг биринчи котиби сифатида партиявий ишларни кучайтирмоқда. «Адолат» партияси томонидан кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлаб уларнинг бўлажак сайловлардаги муваффақияти учун курашмоқда. Сиёсий жараёндарда фаол бўлишға интиляпти. Интилан эса толе ёр дейдилар. Ўзининг пухта ўйланган аниқ режалари билан сайловчилар қалбига қирғиб бораётган бу номзоднинг бахти қулиб, ниятларига етишишиға биз ҳам тилакдошимиз.

БЕМОРЛАР ДАРДИГА ДАРМОН

Абдумўмин ВАХОБОВ
(13 — Олтинкўл сайлов округи)

Абдумўмин Вахобов 1952 йилда Андижон вилоятининг Андижон туманидаги Бутакора қишлоғида туғилган. Андижон Давлат тиббиёт институтининг санитария-гигиена факультетини тугатган. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси аъзоси. Иختисослиги санитария врач. Оилали уч нафар фарзанди бор. У меҳнат фаолиятини 1975 йилда Андижон вилояти санитария эпидемиология станциясида санитария врачлигидан бошлаган. Ана шу оддий санитария врач бўлиб ишлаган пайтлари у ўзининг тиббиётни қилиб олиш ҳалол меҳнати, ҳушмуомалиги билан кўпчилигин назарига тушади, ҳамкасблари орасида обрў-эътибори ошадиган. 1983-1985 йилларда Андижон вилояти санитария эпидемиология станциясида бош врач, 1988-1990 йилларда Андижон вилоят соғлиқни сақлаш бўлимида мудир муовини, 1990-1996 йилларда вилоят соғлиқни сақлаш бўлимида мудир лавозимларида фаолият кўрсатган. 1996-2001 йилларда эса вилоят санитария эпидемиология станциясида бўлим мудир, бош врач муовини лавозимларида ишлаган. 2001 йилдан то бугунги кунга қадар Андижон вилоят ОИТС/СПИД маркази бош врач лавозимиде ишлаб келмоқда. Абдумўмин Вахобовнинг шу пайтга қадар вилоятдаги нуфузли идоралардан бирида ишлаб келаятигани, қолаверса, ОИТС касаллигини жаҳон афғор оммасиға XXI аср вабоси эътироф этиб ке-

лаётган бир пайтда инсоният келажакига раҳна солаётган бу бало-қазоға қарши вилоят миқёсида курашаётганлигининг ўзи бир чинакам, фидойи инсонға хос жасорат. У иш фаолияти давомида кўпгина юқумли касалликлари келтириб чиқарувчи инфекцияларни йўқотиш, эл-юрт, вилоят аҳолисининг соғлиқини тиклаш каби долзарб муаммоларни ҳал этишға катта ҳиссасини қўшган. Уни андижонликларнинг кўпчилиги тиним билмай меҳнат қиладиган, эл-юрт қорига ярайдиган, беморлар дардига дармон бўладиган инсон сифатида ҳурмат қилишади. А.Вахобовнинг бу меҳнатлари муносиб тақдирланган. У 1994-1999 йилларда Халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши депутатлигиға сайланган. Олий тоифали врач. Шу

ўринда айтиб ўтиш жоизки, Абдумўмин Вахобов ўз сайловолди дастурида ҳам аҳолининг асосий қисми учун сифатли ва бепул даволаниш кафолатларини таъминлаб бериш, оила, оналик ва болаликни давлат муҳофазасида бўлишини таъминлаш каби бугуннинг муҳим масалалари ақс этган. Шунинг учун ҳам А.Вахобов депутатлика сайланадиган бўлса бемалол эл-юрт соғлиқини сақлайдиган қонунлар яратишға ўз ҳиссасини қўшади.



Ўзбекистон «Адолат» СДП чинакам халқ иши, Ватан равнақига бел боғлаган сиёсий кучдир! Партия номзодлари билан танишинг ва уларга овоз беринг!

ЁШЛАР КЕЛАЖАК БУЊЁДКОРИ

Қобил САГАТОВ
(7 — Дўмбироьод
сайлов округи)

Қобил Муҳаммадиевич Сагатов 1964 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. «Адолат» социал-демократик партияси аъзоси. Партия сиёсий кенгаши ёшлар қаноти раисининг биринчи ўринбосари. Маълумоти олий. Тошкент Давлат халқ ҳўжалиги институти тугатган. Иктисодчилиги — иктисодчи.

Ўз меҳнат фаолиятини 1982 йилда «Тошкўлтўтор» идорасига қарашли дўконда сотувчиликдан бошлаган. Ёшларга хос ғайрат-шижоат билан халол, самарали меҳнат қилинганлиги учун «Тошкўлтўтор» раҳбарияти томонидан бир неча бор мукофотланган. 1994 йилда дўкон директорининг муовини лавозимига тайинланди. Ўша даврда унинг жамоа аъзолари бошини қовуштири олиш, уларни самарали ишлашга йўналтири олиш, одамларнинг дарду йўлларини тушуниб ёрдам бери олиш истеъдоди намойён бўлди.

У 1995 йили «Одибахон» жамоа корхонаси ташкил

этди. Қобил Сагатовнинг ишбилармонлиги, самимийлиги, ишни яхши йўлга қўя билиши қобилиятини билган жамоа меҳнат ахли уни директорликка тавсия этишди.

Қобил Сагатов 2000 йилдан бошлаб хусусий тадбиркор сифатида фаолият юртиб, мамлакатимиз иктисодиётини юксалтириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ишига самарали хисса қўшиб келаётди. Ишлаб топган маблағидан «Шахбоз», «Хамза» маҳалларида яшовчи кам таъминланган одамларга, кўп фарзандли оилалар, қариялар ва ногиронларга бир неча йиллардан бери меҳр-муруват ёрдами кўрсатиб келяпти. Шунингдек у «Адолат» социал-демократик партиясининг Ёшлар қаноти вакили сифатида ёш авлоди маънавий камол топтириш, қишлоқ инсонини тарбиялаш билан Ватан салоҳиятини юксалтириш ишига салмоқли хисса қўшиб келаётган. Унинг фикрича, аҳолининг, айниқса ёшларнинг бир қисми иш ва ўқиш билан тўлиқ таъминланмаган. Ортиқча ишчи кучлари мавжуд минтақалар

бор. Шунинг учун у барча ишга лаёқатли одамлар, айниқса ёшларнинг бандлигини кафолатловчи қонуларни яратишда қатнашсам дейди.

Қобил Сагатовнинг дастурий мақсади — келажакда Ўзбекистонни юксак даражада ривожланган мамлакатлар қаторида қўришди. Бунинг учун аввало иктисодиётнинг юксалишига эришиш, яъни иктисодий ислохотларнинг изчил амалга ошириш лозим. Бунинг учун иктисодиётга хориж инвесторларининг эркин кириб келиши, бемаъл фаолият кўрсатишига эришиш керак. Шунингдек, ички инвесторларнинг ҳам эркин фаолиятини таъминлаш зарур бўлади.

Бундан ташқари ўрта, касб-хўнар ва олий таълимни юксак поғонага кўтариш, спортни ривожлантириш даркор. Ана шу муҳим вазифаларни рўйбга чиқариш учун эса ҳар томонлама йўлланган мукамал қонулар яратиш шу куннинг долзарб вазифаларидан бўлиб турибди.

Ҳа, Қобил Сагатов йўлаган фикрларини амалга



ошириш фақат орзу-ўйлар эмас, амалга оширса бўладиган ишлардир. Ўйлашимиз эзгу ишлар ўз рўйбин топади. Чунки бу борада Қобил Сагатов ёлғиз эмас. Унинг ортида бутун бир партия — Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси. Чунки бугун газетамизда эълон қилинган «Адолат» СДП сайловолди ҳаракат дастурини ўқиган фуқаролар партиядан кўрсатилган номзодларнинг ваъдалари қанчалик реал, асосли эканлигини ҳис қилишлари табиий.

Кўрилиб турибдики, Қобил Сагатов партиянинг ишончли вакили. Ўйлашимиз, у сайловдан сўнг халқнинг ишонч вакилига айланади.

МУДДАО ХОЛИС БЎЛСА...

Баҳодир ҒАНИЕВ
(20 — Кўргентепа
сайлов округи)

Баҳодир Қайтмасович Ғаниев 1968 йилда Балиқчи туманидаги Эски ҳаққуллоб қишлоғида хизматчи оиласида туғилган. Ўрта мактабни аъло баҳоларга битиргач, Андижон Давлат тиббиёт институтига ўқишга кирди. У бу даргоҳда ўзи қизиққан соҳа — инсон саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашнинг замонавий услубларини астойдил ўрганди.

Баҳодир Ғаниев меҳнат фаолиятини 1991 йилда Андижон вилояти руҳий саломатлиги Марказида тиббий оғлиқдан бошлади. У илм йўлида тинмай изланишни ҳаётининг бош мақсади сифатида белгилади. Бу интилиш аста-секин ўз самарасини бери бошлади. Олий маълумотли бўлиб 1994-1996 йиллари ўзи тахсил олган олий ўқув масканининг «Биринчи субординатура» кафедрасида клиник ординатор, сўнгра шу илмий

даргоҳда ассистент, 1998-2003 йилларда эса мазкур институтнинг Биринчи умумий амалиёт шифокори тайёрлаш кафедрасида ассистент сифатида ўз билим ва тажрибаларини янада ортирди. Албатта, изчил изланишлар беҳиз кетмади. Баҳодир Ғаниев ўз илмий салоҳияти, пухта тажрибаси ва раҳбарлик қобилияти боис 2003 йилдан то ҳозирги вақтга Андижон Давлат тиббиёт институтининг клиник шифохонаси 4-терапия бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб, қанчадан-қанча беморларнинг дардига малҳам, муаммоларига ҳамдам бўлиб фаолият юритмокда.

Баҳодир Ғаниев омилкор раҳбар бўлиши билан бир қаторда ажойиб ташкилотчи, меҳрибон дўст, самимий сўхбатдош сифатида ҳам эътиборга молик инсон. Чунинчи, у институт, кафедра ва клиник шифохона маъмуриятининг барча тадбирларида фаол иштирок этиб, жамоатчилик хизматиға камарбастлигини

намоён этиб келаётган. Шунинг учун ҳам у ишлаётган жамоада ахиллик, бир-бирини тушуниш хусусиятлари устувордир.

Айниқса, Баҳодир Ғаниевнинг тиришқоқлиги, ундабуронлиги ва ишбилармонлиги туфайли у бошқараётган бўлимида юқори малака, намунали тиббий хизмат кўрсатиш жараёнилари мезон сифатида ўз ифодасини топган. Ҳозирги кунда бу ерда илгор тажриба, замонавий давлат услублари беморларни янги давр талаблари ва стандартлар асосида даволашга муҳим имкониятлар яратётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Бирок Баҳодир Ғаниев бу фаолиятлари билан чекланиб қолгани йўқ. Хусусан, бўлим ходимлари савиясини мунтазам равишда ошириб бориш, иш шартлоларини янада яхшилаш, беморлар учун яхши шарт-шароитлар яратиш бериш, энг муҳими, жамоаси бағрига қайтиши учун астойдил ҳаракат қилипти. Бу борада барча устозларнинг



ўғитлари ва олган билим ҳамда тажрибалари қўл келатганини фахр билан тилга олади у. Шунингдек, оиласи ва бир нафар фарзандларини эл-юрт равнақи йўлида хизмат қилишга ўргатишни ўзига фарз деб билади.

Баҳодир Қайтмасович Ғаниев Ўзбекистон Республикаси олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати бўлиб ишлайди. Айни пайтда унинг мақсад ва интилишлари ҳуқуқий демократик жамият равнақиға хизмат қилишға, қонулар устуворлиги ҳамда аҳолининг соғлигини сақлаш борасидаги хайрли саъй-ҳаракатларға қаратилган.

МАҲАЛЛАНИНГ БОЛАПАРВАР АЁЛИ

Раҳима НИЗОМУТДИНОВА
(16 — Асака сайлов округи)

Раҳима опа Низоутдинова 1958 йили Фарғона вилоятининг Асака туманидаги Ниёзботир қишлоғида туғилган. У мактабда ўқиб юрган кезлариданок, табиатга, қолаверса, ён атрофдаги барча жониворларга бўлган меҳри, эътибори билан тенгқўрларидан ажралиб турарди. Шундан бўлса керак мактабни тугатиб, Андижон Давлат педагогика институтининг биология факультетиға ўқишға кирди.

Меҳнат фаолиятини 1977 йилда Асака шаҳар педагогика билим юртида ўқитувчиликдан бошлаган. 1983-1986 йилларда эса Асака туманидаги 163 — хўнара-техника билим юртида Ёшлар ташкилоти қотибаси, 1986-1989 йилларда шу туман ёшлар қўмитасида ўқитувчи — ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи, 1991-2001 йилларда тумандаги 23-болалар босчаси мудири лавозимларида ишлаган. 2001 йилдан

ҳозирги кунга қадар ўзи туғилиб ўсган Ниёзботир қишлоқ фуқаролар йиғини раиси сифатида фаолият кўрсатиб келмокда.

Менинг босиб ўтган йўлимни ва кейинги иш фаолиятимни келажакимиз бунёдкорлари бўлиши ёшларсиз тасаввур қилиб бўлмайди, — дейди, Ўзбекистон «Адолат» СДП томонидан Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига 16 — Асака сайлов округидан номзод қилиб кўрсатилган Раҳима Низоутдинова биз билан сўхбатда. — Президентимиз Ислам Каримов катта-катта минбарларда ҳар гал чиқиб қилганларида таъкидлаганларидек, бугунги ёшлар қанчалик билимли, ақли, доно бўлса, эртанги кунимиз шунчалик фаровон ва чароғон бўлади. Ана шунинг учун ҳам ёшларимизни интеллектуал салоҳияти, билимли қилиб тарбиялаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир...

Раҳима Низоутдинова оилада ҳам фахрланса арзигулик ютуқларға эришган. Уч нафар шириндан

шакар фарзандларини тарбиялаб воғға етказмокда. Асакаликлар бу маҳалла фаолини меҳнатсевар ва болаларни жонидан ҳам ортик қўрайдиган болаларвар аёл сифатида ҳурмат қилишади. Инчунин, унинг бу бағри кенглиги туфайли катта муваффақиятларға эришаётгани қувонарли ҳол.

Буни у бошчилик қилаётган Ниёзботир қишлоқ фуқаролар йиғинида амалга оширилаётган кенг қўламли хайрли ишлар ҳам исботлайди. Қишлоқдаги жамоат жойларни ободонлаштириш, кам таъминланган, моддий ёрдамға муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, кўп болали оилаларға ёрдам бериш, пенсия оладиган қарияларни ўз вақтида пенсиясини етказиб бериш, қишлоқда ёшларни спорт билан мунтазам шугулланиши учун шарт-шароит яратиш каби муҳим аҳамият касб этадиган масалаларни хал қилишда унинг муносиб хиссаси бор.

«Адолат» СДП аъзоси Раҳима Низоутдинова ўзига



топширилган иш ва вазифаларға ҳар вақт масъулият билан ёндашиб келаятганлиги учун Республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлиғига номзод қилиб кўрсатилди. Қишлоқларда ҳаёт кечириётган одамларнинг иссиқ-совуғидан яхши хабардор бу инсон ўзининг сайловолди дастурида ҳам, қишлоқ жойларда ишисизликка барҳам бериш мақсадида саноат, қурилиш, маийши хизмат турларини, кенг қамровли қайта ишлаш шаҳобчаларини ташкил этиш, қўшма корхоналар бунёд этиш, хўнарамандчиликни босқич-босқич ривожлантиришға қаратган.

МУҲИМИ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ

Адиҳамжон РАСУЛОВ
(21 — Избоскан сайлов округи)

Адиҳамжон Расулов 1957 йилда Андижон вилояти Шаҳрихон туманида хизматчи оиласида туғилган. У — олий маълумотли муҳандис-технолог. Бишкек шаҳридаги Политехника институтини битирган.

Адиҳамжон Расулов меҳнат фаолиятини 1979 йилда Қўқон сут заводида бошлаган. Сўнгра Андижон сут ва сут маҳсулотлари корхонасида цех бошлиғи сифатида, 1989-1992 йилларда эса ушбу корхонанинг директори бўлиб ишлаган. Унинг бу соҳадаги фаолиятида ишга иштиёқ билан ёндашиши, ишлаб чиқариш тармоқларида ўз билим ва тажрибаларини орттириш хисси муҳассам эди. Шу сабаби у 1992-1994


йилларда Куйганёр сут қабул қилиш шохобчаси бошлиғи бўлиб ишлаб, фидойилик кўрсатди.

Адиҳамжон Расуловнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига номзодлик дастурида айнан иктисодий масалалар, жумладан, маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарини қўлайитириш, хусусий мулк дахлсизлиги, шунингдек, мулкдорлар фаолиятиға қонуний аришишлариға таъмомила барҳам бериш чора-тадбирларини белгилаш сингари масалалар устувор аҳамият касб этади. «Партиямиз сайловолди Дастуридаги бир қатор ғойалар менға жуда маъқул бўлди» — дейди у. — Хусусан, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотли ишлаб чиқарувчиларнинг эркинли-

гига, ҳуқуқий мустаҳкамлигини таъминлаш ҳақидаги химоя қилиш ва улар учун қўлай шарт-шароитлар яратиш боринг сингари бандлар бугун долзарблиғи билан ўзига жалб этади.

Чунончи, Адиҳамжон Расулов 1994 йилдан ҳозирги кунгача Избоскан тумани «Расулий» фермер ҳўжалиғи бошлиғи сифатида халқимиз фаровонлигини, дастурхонимиз тўкин-сочинлиғи учун ўз хиссасини қўшишға ҳаракаат қилиб келмокда. Ишчи-ҳодимларға қўлай шарт-шароитлар яратиш, бугунги даврнинг илгор техникаларини асосида қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб, эл дастурхониға тортиқ қилиш йўлида бор куч ва имкониятларини ишға солиш асосий маслағи.

Дарҳақиқат, бугунги



фермер — янги жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучларидан бири. Уларнинг эзгу саъй-ҳаракатлари Истиқлол берган имкониятларни тўлақонли амалга оширишға хизмат қилиши тайин.

Адиҳамжон Расулов оилали, уч нафар фарзанд бор. Шу босидан ҳам унинг дастурида юртимиз ёшларининг илгор мамлакатларнинг нуфузли ўқув даргоҳларидаги таълим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш масаласи асосий ўрин тутати.

ИШДА — РАҲБАР, УЙДА — ОНА

Саидхон АХМАДЖОНОВА
(19 — Жалолқудук сайлов округи)

1960 йилда Андижон вилояти Жалолқудук туманида хизматчи оиласида туғилган. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)нинг журналистика факультетини тугатган.

У меҳнат фаолиятини 1977 йилда Жалолқудук туман «Олга» газетасида адабий ҳодимликдан бошлаган. 1993-1994 йилларда Андижон шаҳар ҳокимлиғи маданият бўлимининг 3-маданият уйи услубчиси, кейинчалик Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси ва вилоят прокуратураси Нашри бўлган «Қонун йўлида» газетаси бўлим мудири, муҳаррир ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатган. 1996 йилдан ҳозирги кунгача

ушбу газетанинг муҳаррири бўлиб фаолият юритмокда.

Саидхон Аҳмаджонова Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Сайловолди дастурида қўзда тутилган аниқ мақсадларни жамиятимиз ҳаётида жорий қилиш, иктисодий ва ҳуқуқий ислохотларни амалга ошириш борасида самарали фаолият юритиб келяпти. Унинг журналистик иш услуби халқчиллиги ва унинг ўткир муаммоларни ечимини излаш нуктаи назаридан эътиборлидир.

Саидхон Аҳмаджонова ижтимоий ҳаётдаги ижобий ўзгаришларни ҳам, гоҳи-гоҳи учраб турадиган салбий унсурларни ҳам моҳирона очиб беришға ҳаракат қилади. Шунингдек, бадиий образлар орқали ҳам ушбу масалаларға

одамлар диққат-эътиборини жалб қилади. Бу борада унинг қаламиға мансуб учта бадиий қиссани айтиб ўтиш жоиз. Бу асарларда даврармизнинг янгиликларини ўз ҳаётларининг мазмуни деб билган фидойи инсонлар турмуши, изланишлари қаламға олинган. Бир сўз билан айтганда, эзгуликнинг завол билмаслиғи, фақат ҳалоллик орқалиғина фаровон турмуш тарзини бунёд этиш мумкинлиғи баён этилади.

Саидхон Аҳмаджонова бир қатор эссе ва публицистик мақолалари билан журналистлар ўртасида ўтказилган бир қатор танловларда ғойиблар қаторидан ўрин олишға муваффақ бўлди. Бу ҳам унинг қалами ўткир, нигоҳи тийран эканлиғидан далолатдир. Шу билан бирга у



ажойиб уй бекаси ва меҳрибон она ҳамдир. Тўрт нафар фарзандни тарбиялаб, воғға етказпти.

Саидхон Аҳмаджонова бозор иктисодиётига ўтишининг асосий тамойиллари моҳияти, шунингдек, жамиятдаги аёлларнинг ўрни ва роли, ҳуқуқий маданият ижтимоий адолат принципларини асосий мезон сифатида юксак қадрлайди ҳамда бу йўналишлардаги камчилик-нуқсонларға қарши муросасиз курашининг ўз ҳаётининг мазмуни сифатида баҳолайди.

ЭЛ ХИЗМАТИГА КАМАРБАСТА

Бобокатта ШОДИЕВ
(36 — Зарафшон сайлов округи)

Бобокатта Яҳёевич Шодиев 1957 йилда Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида туғилган. 1976 йилда Самарқанд молия техникумини, 1989 йилда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, 1998 йилда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги «Давлат ва жамият қурилиши Академияси»ни таомилган. Сиёсий фанлар магистри.

Бобокатта Шодиев меҳнат фаолиятини 1971 йилда Қизилтепа туманидаги «Тавоис» жамоа ҳўжалиғида оддий колхозчиликдан бошлаган. Ҳўжалиқда ишлаган уч йил мобайнида халол меҳнат қилиш билан бирга деҳқон ва чорвадорлар ҳаётини чуқур ўрганган. Уларнинг фикр-ўйлари, орзу-умидлари билан танишиб тажриба орттирган.

1974 йили билим ва маълумотини ошириш мақсадида Самарқанд молия техникумиға ўқишға қиради.

Техникумни битиргач 1976-1978 йилларда Армия сафарида хизмат қилади. Ҳаётини тажриба тўплади.

Бобокатта Шодиев 1980 йилдан 1989 йилгача Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ўқиб, пахта саноати бўйича муҳандис-иктисодчи иктисодлигини эгаллади. Сўнгра «Навоий сув қурилиш» бошқармасиға қарашли 18-автокорхонада таъминот бўлимиға раҳбарлик қилди. 1991 йилдан 1995 йилга қадар «Умид» кичик корхонаси раҳбари бўлиб ишлади.

Бобокатта Шодиев фаолиятидаги ишчанлик, баҳадирдан ишға масъулият билан ёндашиши, энг асосийси ундаги қўл остидагиларға нисбатан ғамхўрлик қобилиятини сезган Қизилтепа туман ҳокими уни 1995 йили ҳокимликнинг «Бизнес фонд бўлими» бошлиғи вазифасига таклиф қилди. 1996-1997 йилларда эса у вилоят «Бизнес инкубатор» раҳбари бўлиб ишлади.

Бобокатта Шодиев Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги «Давлат ва жамият қурилиш Академияси»ни битиргандан сўнг Навоий вилоят ҳокимлиғи ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат кенгаши» масъул қотиб вазифасида ишлаган пайтда меҳнат ахли онига маънавият тушунчасини сингдириш, уларни энг яхши миллий анъаналаримиз руҳида тарбиялаш, ёш авлодини ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан қомил инсон бўлиб етиштиришдек эзгу ишға катта хисса қўшди.

Бобокатта Шодиев 2000 йилдан бошлаб «Ўзпахтасаноат» уюшмасида ишлаб келаяпти. У шу йиллар мобайнида етук мутахассис, масъулиятли раҳбар, меҳрибон дўст, ўзига ва қўл остидагиларға талабчан инсон каби фазилатларни намоиш этади.

Бобокатта Шодиев «Адолат» СДП партиясини ташкил этишда фаол иштирок этган фаоллардандир. У бир неча маротаба партия раҳбар органларига сайланган. Айни пайтда «Адолат» СДП Марказий



тафтиш комиссияси раисидир. Бобокатта тажрибали, билимли, янгиликка интилувчи шахс бўлиш билан бир қаторда оилаларвар инсон ҳамдир. У турмуш ўртоғи Марҳаб Нормулова билан уч ўғил — Ботиржон, Аҳмажон, Жаҳонхонларни қомил инсонлар қилиб тарбиялашға ҳаракат қилмокда.

Хурматли сайловчилар! Агар «Адолат» СДП томонидан кўрсатилган номзод Бобокатта Шодиевға овоз берсангиз? ҳеч қачон янгилик бўлмасди. Чунки у мустақил Ўзбекистон равнақи, Сиз азия меҳнатқашлар фаровонлиғи йўлида жонини ямайдиган фидойи инсондир.



Муассис:
Ўзбекистон
«Адолат»
СДП Сиёсий
Кенгаши

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Рустам АХМАДАЛИЕВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Турғунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАХМУДОВ, Анвар ЖЎРАБОВЕВ, Равшан ХАЙДАРОВ, Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Қаримжон РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Бобоқул ТОШЕВ, Рустам АЗИМОВ, Турғун ЭРҒАШЕВ, Ўткир ЖЎРАЕВ, Муҳаммад РАҲМОН, Низоимдин НУРМАТОВ, Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ

телефонлар:

Қабулхона-136-53-14.
Факс: (8.371) 133-41-89.
Сўбат ва партия хайи-136-55-96.
Хатлар бўлими — 136-55-64.
Матбуат, тартиб ва сават-136-55-64.
МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғидан 016 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Еўротма Г—1100, Адади 6344.
Ҳажми—2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қўғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилади.
Қорғоғай манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41.

Навбатчи — Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ

Газета IBM компьютерида терилди.

Босишға топириш вақти—23.30